

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ СУДЬЯЛАР ОЛИЙ КЕНГАШИ
ҲУЗУРИДАГИ СУДЬЯЛАР ОЛИЙ МАКТАБИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ (PhD).37/27.02.2020. Yu/ 107.01-РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ СУДЬЯЛАР ОЛИЙ КЕНГАШИ
ҲУЗУРИДАГИ СУДЬЯЛАР ОЛИЙ МАКТАБИ**

ТАЖИБОЕВ МАЪРУФЖОН МАМАТОЖИЕВИЧ

**ФУҚАРОЛИК ИШЛАРИ БЎЙИЧА СУД ҲАЛ ҚИЛУВ
ҚАРОРЛАРИНИНГ НАЗАРИЙ ВА АМАЛИЙ МАСАЛАЛАРИ**

**12.00.04 -Фуқаролик процессуал ҳуқуқи. Хўжалик процессуал ҳуқуқи.
Ҳакамлик жараёни ва медиация.**

**Юридик фанлар бўйича фалсафа доктори
(Doctor of Philosophy)
диссертацияси**

АВТОРЕФЕРАТИ

ТОШКЕНТ – 2020

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси
Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
Content of the abstract of the dissertation of the Doctor of Philosophy (PhD)

Тажибоев Маъруфжон Маматожиевич Фуқаролик ишлари бўйича суд ҳал қилув қарорларининг назарий ва амалий масалалари	3
Тажибоев Маъруфжон Маматожиевич Теоретические и практические вопросы решений суда по гражданским делам	21
Tazhiboev Marufjon Mamatozhievich Theoretical and practical questions of court decisions in civil matters	38
Эълон қилинган ишлар рўйхати Список опубликованных работ List of published works.....	42

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ СУДЬЯЛАР ОЛИЙ КЕНГАШИ
ХУЗУРИДАГИ СУДЬЯЛАР ОЛИЙ МАКТАБИ ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ (PhD).37/27.02.2020. Yu/ 107.01-РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ СУДЬЯЛАР ОЛИЙ КЕНГАШИ
ХУЗУРИДАГИ СУДЬЯЛАР ОЛИЙ МАКТАБИ**

ТАЖИБОЕВ МАЪРУФЖОН МАМАТОЖИЕВИЧ

**ФУҚАРОЛИК ИШЛАРИ БЎЙИЧА СУД ҲАЛ ҚИЛУВ
ҚАРОРЛАРИНИНГ НАЗАРИЙ ВА АМАЛИЙ МАСАЛАЛАРИ**

**12.00.04 -Фуқаролик процессуал ҳуқуқи. Хўжалик процессуал ҳуқуқи.
Ҳакамлик жараёни ва медиация.**

**Юридик фанлар бўйича фалсафа доктори
(Doctor of Philosophy)
диссертацияси**

АВТОРЕФЕРАТИ

ТОШКЕНТ – 2020

Юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (Doctor of Philosophy) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2020.1.PhD/Үу352 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Судьялар олий кенгаши ҳузуридаги Судьялар олий мактабида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.sudyalaroliymaktabi.uz) ва «Ziyonet» Ахборот таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар: **Мамасиддиқов Музаффаржон Мусажонович**
юридик фанлар доктори, профессор

Расмий оппонентлар: **Эгамбердиев Эминжон**
юридик фанлар доктори, профессор

Авезов Косим Сафарович
юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD)

Етакчи ташкилот: **Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги**
қошидаги Юристар малакасини ошириш
маркази

Диссертация ҳимояси Судьялар олий мактаби ҳузуридаги (PhD).37/27.02.2020. Үу/ 107.01-рақамли Илмий кенгашнинг 2020 йил «___» _____ даги соат 10:00 даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100097, Тошкент шаҳар, Чилонзор тумани, Чўпонота кўчаси 6-уй. Тел.: (99855) 501-01-89).; факс: (99855) 501-01-89)., e-mail: tm_devon@mail.ru).

Диссертация билан Судьялар олий мактаби Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (1-сон рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100097, Тошкент шаҳар, Чилонзор тумани, Чўпонота кўчаси 6-уй. Тел.: (99855) 501-01-89).

Диссертация автореферати 2020 йил «19» август. куни тарқатилди.

(2020 йил «19» августдаги 1-рақамли реестр).

К.О.Синдаров

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, юридик фанлар доктори, доцент

М.П.Қаландарова

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, юридик фанлар номзоди

Б.Б.Самарходжаев

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги Илмий семинар раиси, юридик фанлар доктори, профессор

КИРИШ (докторлик (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунёда инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини суд орқали ҳимоя қилиш учун қулай шарт-шароитлар яратиш ҳамда суд процесси иштирокчилари ва манфаатдор шахсларнинг одил судловга бўлган ҳуқуқларининг кафолатларини таъминлаш ўзининг долзарблигини кўрсатмоқда. Зеро, мазкур кафолат қачонки суд томонидан қонуний, асослантилган ва адолатли ҳал қилув қарори чиқарилиб, ушбу ҳал қилув қарорлари ижро этилгандагина тўлиқ таъминланган ҳисобланади. Инсон ҳуқуқлари бўйича Европа суди ўз қарорларининг бирида тўғри кўрсатганидек, "... суд ҳал қилув қарорининг асослантилмаганлиги адолатсиз суд муҳокамаси бўлганлиги ҳақида хулоса чиқаришга етарлича асос бўла олади" (1987 йил 30 ноябрь, "*H. v. Belgium*").¹

Жаҳон процессуал ҳуқуқ назарияси ва амалиёти ҳам адолатли суд муҳокамасига бўлган ҳуқуқ суд ҳал қилув қарорларининг юқори сифатда, аниқ асосларга таянган бўлиши каби талабларга амал қилинганлигига боғлиқ бўлишини кўрсатади. Бинобарин, қонуний, асослантилган ва адолатли суд ҳал қилув қароригина ўзбошимчалик ва адолатсизликдан ҳимояланишни кафолатлайди, Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясининг 8-моддасида мустақамлаб қўйилган "ҳар бир инсон, мобоодо унда Конституция, қонун бериб қўйган асосий ҳуқуқларни бузилгудек бўлса, нуфузли миллий судлар томонидан ўз ҳуқуқларини самарали тарзда тикланиш ҳуқуқига эга"² эканлиги ҳақидаги нормани амалда таъминлайди.

Мамлакатимизда ҳозирги кунда суд мустақиллигини тўлиқ таъминлаш – энг муҳим вазифаларимиздан бири бўлиб,³ суд ҳокимиятининг чинакам мустақиллигини таъминлаш, суднинг нуфузини ошириш, суд тизимини демократлаштириш ва такомиллаштириш Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегиясида устувор йўналишлардан бири сифатида белгиланган.⁴ Бу эса одил судлов ҳужжати саналмиш суд ҳал қилув қарорларининг қонунийлиги, асослиги ва адолатлилигини таъминлаш масалаларини илмий-назарий жиҳатдан тадқиқ этиб ўрганишнинг долзарблигини кўрсатади.

Ўзбекистон Республикасининг янги Фуқаролик процессуал кодекси (2018), Иқтисодий процессуал кодекси (2018), "Судлар тўғрисида"ги янги

¹ Стандарты справедливого правосудия. Международные и национальные практики. Под ред. Т.Г. Моршакковой. -М. 2012. С. 40 http://www.liberal.ru/upload/files/Morshakova_min.pdf

² Инсон ҳуқуқлари: Инсон ҳуқуқлари Умумжаҳон Декларацияси. Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар тўғрисида халқаро пакт. Фуқаролик ҳуқуқлари ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисида халқаро пакт ва факультатив протокол. -Тошкент.: Адолат. 1992. -12 б.

³ Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси // "Халқ сўзи" газ. 2020. 24 январь сони.

⁴ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги "Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида"ги Ф-4947-сонли Фармони // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017. 13 февраль, 6-сон, 70-модда.

тахрирдаги қонуни (2001), Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида” ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 21 февралдаги ПФ-4966-сонли “Ўзбекистон Республикаси суд тизими тузилмасини тубдан такомиллаштириш ва фаолияти самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармонлари ва соҳага оид бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифалар ижросини амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига мослиги. Мазкур диссертация республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. “Демократик давлатни ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацияон иқтисодий шакллантириш” устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Тадқиқот ишида мамлакатимизда фуқаролик ишлари бўйича суднинг ҳал қилув қарорлари билан боғлиқ назарий ва амалий масалалар илк мартаба ўрганилди. Мазкур мавзуга бағишланган ишлар моҳиятини ўрганиш ва таҳлил қилиш натижаси шуни кўрсатадики, фуқаролик ишлари бўйича суднинг ҳал қилув қарорлари билан боғлиқ назарий ва амалий масалалар мустақил Ўзбекистон Республикасининг фуқаролик процессуал қонунчилиги асосида илк бора тадқиқ этилган. Мавзунини ёритиш жараёнида фуқаролик процессуал ҳуқуқи, иқтисодий процессуал ҳуқуқи ва бошқа ҳуқуқ соҳалари бўйича махсус адабиётлар ўрганилган.

Фуқаролик ишлари бўйича суднинг ҳал қилув қарорлари билан боғлиқ назарий ва амалий масалалар у ёки бу даражада айрим тоифадаги ишларни судда кўришнинг процессуал хусусиятлари доирасида тадқиқ этиб ўрганилган. Хусусан, Хусусан, Ш.Ш.Шорахметов, Э.Э.Эгамбердиев, С.А.Якубов, З.Н.Эсанова, М.М.Мамасиддиқов, Д.Ю.Хабибуллаев, С.А.Марипова, К.К.Олимова ва Ҳ.А.Қучқаровнинг ишларида фуқаролик ишлари бўйича суднинг ҳал қилув қарорлари билан боғлиқ айрим масалалар тадқиқ этилган. Бу борада М.М.Мамасиддиқов ва З.Н.Эсановалар томонидан олиб борилган тадқиқот ишларида меҳнатга оид ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган ва болалар тарбияси билан боғлиқ низоли ишлар бўйича чиқариладиган суд ҳал қилув қарорларининг мазмуни ва аҳамиятига доир масалалар баён этилган.⁵ Бугунги кунда мазкур тадқиқотлар, шубҳасиз, фуқаролик процессуал қонунчилигини такомиллаштиришда муҳим назарий пойдевор вазифасини ўтайди. Бироқ мазкур тадқиқот ишларида суднинг ҳал

⁵ Мамасиддиқов М.М. Меҳнатга оид етказилган моддий ва маънавий зарарни судда ундиришнинг назарий ва амалий муаммолари. Монография. –Тошкент: АҚХМИ, 2008. -340 б.; Эсанова З.Н. Болалар тарбияси билан боғлиқ низоларни фуқаролик судида кўришнинг процессуал хусусиятлари: Юрид. фанлар доктори илмий даражасини олиш учун ёзилган автореферат. –Тошкент: ТДЮИ. 2010, -52 б.

қилув қарорлари билан боғлиқ назарий ва амалий масалалар комплекс тадқиқот иши сифатида ўрганилмаганлигини таъкидлаш ўринли бўлади.

Фуқаролик процессида суд ҳал қилув қарорларининг назарий ва амалий масалалари МДХга аъзо давлатларнинг ҳуқуқшунос олимлари томонидан алоҳида тадқиқот объекти сифати ўрганилганлигини таъкидлаш жоиз. Тадқиқотлар М.А.Викут, Р.Е.Гукасян, М.А.Гурвич, А.А.Добровольский, С.А.Иванова, Р.Ф.Каллистратова, А.Ф.Клейнман, М.К.Треушников, Л.В.Туманова, Д.М.Чечот, М.С.Шакарян, В.Ю.Кулакова, Е.В.Джандосова, М.И.Горлачева, Н.И.Ткачев, С.К. Загайнова, Л.А.Пахомова, С.А.Семикина, М.С. Борисов ва бошқа олимлар томонидан олиб борилган.⁶ Лекин, фуқаролик процесси фани нуқтаи назаридан суд ҳал қилув қарорларининг назарий ва амалий муаммолари Ўзбекистон Республикасининг фуқаролик процессуал қонунчилиги ва бошқа қонун ҳужжатлари асосида комплекс тадқиқот иши сифатида ўрганилмаган ва мазкур масалаларни фуқаролик процессуал ҳуқуқи фани доирасида чуқур тадқиқ этиш илк мартаба амалга оширилмоқда.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация мавзуси Судьялар олий мактабининг илмий тадқиқот ишлари режасига мувофиқ “Ўзбекистон Республикасида амалга оширилаётган суд-ҳуқуқ тизимидаги ислоҳотлар асосида қонунчилик нормаларини такомиллаштириш” ҳамда Юристар малакасини ошириш марказининг илмий тадқиқот ишлари режасига мувофиқ “Мамлакатимизда давлат идоралари фаолияти устидан самарали жамоатчилик назоратини ўрнатиш механизмларини ишлаб чиқиш ва такомиллаштириш” мавзуларидаги амалий лойиҳалар доирасида олиб борилган.

Тадқиқотнинг мақсади фуқаролик ишлари бўйича суд ҳал қилув қарорларининг назарий ва амалий жиҳатларини такомиллаштириш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат

Тадқиқотнинг вазифалари белгиланган мақсадни амалга оширишга қаратилган бўлиб, қуйидагилардан иборат:

суднинг ҳал қилув қарорлари тушунчасини ишлаб чиқиш ва унинг фуқаролик процессида тутган ўрнини аниқлаш;

суд ҳал қилув қарорларининг мазмуни ва ҳуқуқий табиатини таҳлил этиш орқали унинг ўзига хос белгилари ва шартларини аниқлаш;

суднинг ҳал қилув қарорлари очиқлигини таъминлаш бўйича миллий ва хорижий тажрибани ўрганиш;

суднинг ҳал қилув қарорларини ижрога қаратиш масалаларини қиёсий-ҳуқуқий таҳлил қилиш;

⁶ Мазкур муаллифларнинг асарлар диссертациянинг фойдаланилган адабиётлар рўйхатида келтирилган.

суд ҳал қилув қарорлари бўйича тўпланган миллий тажрибани тадқиқ этиш ҳамда ҳуқуқни қўллаш амалиётини ўрганиш натижасида суд ҳал қилув қарорларига доир миллий қонунчилигимизни янада такомиллаштиришга қаратилган таклифлар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг объекти республикада суд ҳал қилув қарорларининг назарий ва амалий масалаларини ҳуқуқий тартибга солишга оид ижтимоий-ҳуқуқий муносабатлардир.

Тадқиқотнинг предмети фуқаролик процессида суд ҳал қилув қарорларини қабул қилиш тартиби ва оқибатларини назарда тутувчи фуқаролик процессуал қонунчилиги, бошқа қонун ва қонуности норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, уларни қўллаш бўйича суд амалиёти, шунингдек тадқиқ этилаётган мавзу бўйича назарий ишлар ва ҳуқуқни қўллаш амалиёти ходимларининг қарашлари, умуман, суднинг ҳал қилув қарорларига доир фуқаролик-процессуал ҳуқуқий муносабатларни ҳуқуқий тартибга солиш билан боғлиқ илмий-назарий ва амалий фаолият ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот олиб бориш жараёнида илмий билишнинг тарихийлик, мантиқий-юридик, қиёсий-ҳуқуқий, тизимли таҳлил, фуқаролик ишлари бўйича суд амалиётини ўрганиш, статистик усулларидан, ижтимоий сўровлар ўтказиш ва бошқа усуллардан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагиларда ифодаланади:

сиртдан иш юритиш институти орқали низоларни ҳал этишнинг процессуал механизмини қўллаш тартиби таҳлил қилинди ва бу билан боғлиқ хорижий давлатлар қонунчилик тажрибаси асосида тегишли тарзда хабардор қилинган жавобгар суд мажлисига такроран келмаса, суд даъвогарнинг фикридан қатъи назар, ишни сиртдан иш юритиш тартибида кўришнинг мақсадга мувофиқлиги асослантирилди;

суднинг ҳал қилув қарорларини расмийлаштириш амалиёти ва бу билан боғлиқ хорижий давлатлар тажрибаси асосида ушбу жараённи соддалаштиришни ҳуқуқий тартибга солиш усули ҳамда тартиби таҳлил қилинди ва суднинг ҳал қилув қарори кириш, асослантирувчи ва хулоса қисмларидан иборат бўлиши асослантирилган;

ҳал қилув қарорлари низоли ишни мазмунан ҳал қилишга қаратилган суд тартиб-таомилларини яқунловчи суд ҳужжати ҳисобланиши, у фақатгина биринчи инстанция суди томонидан чиқарилиши, юқори инстанция судининг ҳужжатлари ўз номи билан ҳам ажралиб туриши ва улар томонидан чиқариладиган ҳужжатларни қарор тарзида номлаш мақсадга мувофиқлигидан келиб чиқиб, Ўзбекистон Республикасининг ФПКга юқори инстанция судларининг ваколатлари таҳлил қилиниб, улар томонидан янги ҳал қилув қарори чиқариш ваколатини чиқариш юзасидан хулосалар асослаб берилган;

қонуний кучга кирган суднинг ҳал қилув қарорига ижро ҳужжати мақомини бериш асослантирилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

суднинг ҳал қилув қарорини ижро ҳужжатлари қаторига киритилиши суднинг ҳал қилув қарорлари ижросининг самарадорлигини оширишга, манфаатдор шахсларнинг ижро варақасини олиш имкониятларининг кенгайтишига, судларнинг ижро босқичидаги процессуал ҳаракатлардан воқиф бўлишини таъминлашга ҳамда энг асосийси, фуқароларнинг судга бўлган ишончини мустаҳкамлашга хизмат қилиши асосланган;

судьяларнинг ҳал қилув қарорини ўз вақтида тайёрлашларига эришиш учун ҳал қилув қарорини тайёрлаш бўйича уч босқични ўзида жамлаган “Ҳал қилув қарорини тузиш бўйича тавсиялар” ишлаб чиқилган ва ундаги асосий тавсиялар Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг қарорида ўз ифодасини топиши ҳақида хулосалар илгари сурилган;

ФПКда суд ҳужжатининг қонуний ва асосли бўлиши билан бирга унинг адолатли бўлиши лозимлигини белгиловчи алоҳида норманинг киритилиши ва шунга ўхшаш бир қатор хулосалар қонунчилигимиздаги бўшлиқларни тўлдиришда, суд амалиётида учраётган муаммоли ва баҳсли ҳолатларни бартараф этишда муҳим омил вазифасини бажариши асосланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқот ишида ўз аксини топган умумназарий хулосалар, қонун ҳужжатларини такомиллаштиришга ҳамда ҳуқуқни қўллаш амалиётини ривожлантиришга қаратилган таклифлар фуқаролик процессуал ҳуқуқи, иқтисодий процессуал ҳуқуқи, ҳакамлик жараёни ва медиация ихтисослигида мавжуд назарий қарашларни, суд ҳал қилув қарорлари билан боғлиқ халқаро ҳужжатлар ва миллий қонунчилик нормаларини ҳамда ҳуқуқни қўллаш амалиётини таҳлил қилиш асосида илгари сурилган ҳолда хулоса, таклиф ва тавсиялар апробациядан ўтказилганлиги ва олинган натижалар ваколатли идоралар томонидан амалиётга жорий қилингани билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти ундаги илмий-назарий хулосалар, таклиф ва тавсиялардан илмий тадқиқот фаолиятида, қонун ижодкорлигида, ҳуқуқни қўллаш амалиётида фойдаланишда, тегишли процессуал қонунчилик нормаларини шарҳлашда кўринади. Амалий аҳамияти “Фуқаролик процессуал ҳуқуқи”, “Иқтисодий процессуал ҳуқуқ”, “Медиация” ва “Ҳакамлик муҳокамаси” модулларини ишлаб чиқишда фойдаланилган ва юриспруденция йўналишига ихтисослашган олий ва ўрта махсус таълим муассасаларининг ўқув жараёнида қўлланилишида намоён бўлади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Фуқаролик суд ишларини юритишда суднинг ҳал қилув қарорларини назарий ва амалий масалаларини тадқиқ этиш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

тегишли тарзда хабардор қилинган жавобгар суд мажлисига такроран келмаса, суд даъвогарнинг фикридан қатъи назар, ишни сиртдан иш юритиш тартибида кўриши таклифи Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик процессуал

кодексининг 281-моддаси иккинчи қисмига киритилган (Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши раиси У.Қ.Мингбоевнинг 2020 йил 9 июлдаги 265-20-сонли далолатномаси). Мазкур таклифнинг қабул қилиниши сиртдан иш юритиш институти орқали низоларни ҳал этишнинг процессуал механизмини қўллаш, даъвогарларнинг бузилган ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини судлар томонидан самарали ҳимоя қилиш имконини беради;

асослантирилган ҳал қилув қарорини тайёрлашни кечиктирилиши истисно ҳолларда, ўта мураккаб ишлар бўйича беш кундан ортиқ бўлмаган муддатга йўл қўйилиши, бундай ҳолларда ҳал қилув қарорининг фақатгина кириш ва хулоса қисмлари тайёрланиши, ҳал қилув қарорининг хулоса қисми иш муҳокамаси тамомланган суд мажлисининг ўзида судья томонидан имзоланиши, ўқиб эшиттирилиши ва ишга қўшиб қўйилиши ҳақида ишлаб чиқилган таклифи Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2019 йил 24 майда қабул қилинган 12-сонли “Суднинг ҳал қилув қарори ҳақида”ги қарори 5-бандида ўз ифодасини топган (Ўзбекистон Республикаси Олий суди фуқаролик ишлари бўйича судлов хайъатининг 2020 йил 29 майдаги 16943-сон далолатномаси). Ушбу таклифнинг қабул қилинганлиги суд ҳал қилув қарорларини расмийлаштиришни соддалаштиришга, судьяларнинг иш ҳажмининг мақбуллаштирилишига, фуқароларнинг вақти ва маблағи тежалишига, суд ҳужжатларининг эса тезкорлиги ва таъсирчанлигини оширишга хизмат қилган;

судларнинг қонуний кучга кирган ҳал қилув қарорлари, ёпиқ суд мажлисида қабул қилинганлардан ташқари, суднинг расмий веб-сайтида фақатгина тарафларнинг розилиги асосида ёки шахссизлантирилган ҳолда эълон қилиниши мумкинлиги ҳақидаги таклифи Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2019 йил 24 майда қабул қилинган 12-сонли “Суднинг ҳал қилув қарори ҳақида”ги қарори 26-бандига киритилган (Ўзбекистон Республикаси Олий суди фуқаролик ишлари бўйича судлов хайъатининг 2020 йил 29 майдаги 16943-сон далолатномаси). Мазкур таклифнинг қабул қилинганлиги суд ҳал қилув қарорининг очиқлиги таъминлаш билан бир қаторда шахсий ҳуқуқларни ҳимоя қилишга эришилади.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 3 та халқаро ва 8 та республика миқёсида ўтказилган илмий-амалий конференция ва семинарларда синовдан ўтган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 21 та илмий иш нашр эттирилган, жумладан, миллий журналларда 5 та, халқаро журналда 2 та, илмий анжуманларда 11 та, шунингдек, 1 та монография, 1 та илмий-амалий қўлланма нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация тузилиши кириш, еттита параграфни қамраб олган уч та боб, хулоса, фойдаланилган

адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 148 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг **кириш** (докторлик диссертацияси аннотацияси) қисмида тадқиқот мавзусининг долзарблиги ва зарурати, тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мувофиқлиги, тадқиқ этилаётган муаммонинг ўрганилганлик даражаси, диссертация мавзусининг диссертация бажарилаётган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги, тадқиқотнинг мақсад ва вазибалари, объекти ва предмети, усуллари, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижаси, тадқиқот натижаларининг ишончлилиги, тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти, уларнинг жорий қилинганлиги, тадқиқот натижаларининг апробацияси, натижаларнинг эълон қилинганлиги, диссертациянинг ҳажми ва тузилиши ёритиб берилган.

Диссертациянинг “Фуқаролик процессида суд ҳал қилув қарори ва уларнинг умумий тавсифи” номли биринчи бобида ҳал қилув қарорининг тушунчаси, аҳамияти ва ҳуқуқий табиати, суд ҳал қилув қарорининг таркибий қисмлари очиқ берилган.

Хусусан, фуқаролик ишларини кўриш ва ҳал қилиш жараёнида суднинг ҳулосалари муайян процессуал шаклда белгиланган тартибда чиқариладиган суд қарорлари тарзида ифода этилиши, биринчи инстанция судининг ишни мазмунан ҳал қиладиган қарори ҳал қилув қарори шаклида чиқарилиши кўрсатилиши билан бир вақтда нафақат фуқаролик ишлари бўйича судлар томонидан, балки Ўзбекистон Республикасининг Иқтисодий процессуал кодекси (кейинги ўринларда ИПК деб юритилади) 21-бобига асосан иқтисодий судлар томонидан, Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодекси (МСИЮтК) 19-бобига асосан маъмурий судлар томонидан ҳамда ҳакамлик судлари томонидан ҳам қабул қилиниши ва уларнинг ўхшашлик ва фарқли жиҳатлари кўрсатиб берилган.

Шунингдек, суднинг ҳал қилув қарорларига Ш.Ш.Шорахметов, М.М.Мамасиддиқов, С.К.Загайнова, М.А.Гурвичлар каби йирик олимларнинг берган тарифлари таҳлил қилиниб, муаллиф ўзининг суднинг ҳал қилув қарорига қуйидаги муаллифлик тарифини ишлаб чиққан. Унга кўра, фуқаролик ишлари бўйича суднинг ҳал қилув қарорлари одил судловни амалга ошириш ваколатига эга бўлган орган томонидан амалдаги қонун ҳужжатлари ва аниқ фактларга асосланадиган, қонунда назарда тутилган процессуал шаклда чиқариладиган, Ўзбекистон Республикасининг бутун ҳудудида ижро этилиши мажбурий бўлган, ҳуқуқни қўллаш ҳужжати ҳисобланади.

Диссертант юридик адабиётларда суд ҳал қилув қарори қайси инстанция суди томонидан чиқарилиши масаласида баҳслар мавжудлигига (С.К.Загайнова) эътибор қаратар экан, суднинг ҳал қилув қарорлари фақатгина биринчи инстанция суди томонидан чиқарилиши кераклиги, юқори инстанция судининг ҳужжатлари ўз номи билан ажралиб туриши ва улар томонидан чиқариладиган ҳужжатларни қарор тарзида номлаш мақсадга мувофиқлиги ҳақидаги хулосага келади. ФПКнинг 6-моддасини таҳлил қилар экан, ушбу модданинг биринчи қисмида биринчи инстанция суди ишни мазмунан кўриш натижалари бўйича ҳал қилув қарори қабул қилиши, иккинчи қисмида эса, апелляция, кассация инстанцияси суди ишни кўриш натижалари бўйича ажрим чиқариши белгиланганлигини, бироқ ФПКнинг 399-моддаси мазмунидан апелляция инстанцияси суди ўз ажрими билан янги ҳал қилув қарори чиқаришга ҳақли бўлишини, ўз навбатида ҳал қилув қарорининг ажрим билан расмийлаштиришни аниқлашини ва бу ҳолат ФПКнинг 6-моддаси талабларига мувофиқ эмаслигини, ўрганилган айрим хорижий давлатлар (Россия, Қозоғистон ва бошқ.) фуқаролик процессуал қонунчилигида юқори инстанция суди ўз ажрими билан янги ҳал қилув қарори чиқаришга ҳақли эканлиги ҳақида норма мавжуд эмаслигини кўрсатган ҳолда ФПК 6-моддаси учинчи қисмига ўзгартириш киритишни, уни “Апелляция, кассация инстанцияси суди ишни кўриш натижалари бўйича ажрим чиқаради (янги ҳал қилув қарори чиқариш бундан мустасно)” тарзда баён этишни таклиф қилади.

Мазкур бобда суд ҳал қилув қарорларининг бошқа суд ҳужжатларидан ўзига хос бўлган муҳим жиҳатларидан бирига, хусусан, унинг Ўзбекистон Республикаси номидан чиқарилишига эътибор қаратилиб, ушбу хусусият ҳал қилув қарорининг қатъий, мажбурий ва муҳокама қилинмайдиган ҳужжат эканлигини ҳамда Ўзбекистон Республикаси Конституциясида белгиланган суд ҳокимияти мустақиллигининг таъминлашга қаратилганлиги билан изоҳланган. Шу билан бирга амалиётда суд ҳужжатларини қабул қилишда йўл қўйилаётган хатоликлар таҳлил этилиб, суд ҳал қилув қарори сарлавҳасини тузишда ягона амалиёт, ёндашувга эришиш мақсадида ФПКнинг 249-моддаси иккинчи қисмини “Суд ҳал қилув қарорини Ўзбекистон Республикаси номидан қабул қилади ҳамда ҳал қилув қарорининг сарлавҳаси “Ўзбекистон Республикаси номидан ҳал қилув қарори” деб ёзилади” деган таҳрирда баён қилиш таклиф этилган. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2019 йил 24 майдаги “Суднинг ҳал қилув қарори ҳақида”ги 12-сонли қарори 1-банди учинчи хатбошиси “Суднинг ҳал қилув қарорини ёзишда “Ўзбекистон Республикаси номидан ҳал қилув қарори” кўринишида ёзилиши шарт”, деган сўзлар билан тўлдирилиши таклиф қилинади.

Диссертант суд ҳал қилув қарорининг қонуний, асосли ва адолатли бўлиши кўп жиҳатдан суд процессларининг очиклиги, ҳар қандай шахснинг

суд ҳал қилув қарори билан танишиш имкониятига эга бўлишига кўпроқ боғлиқ эканлиги ҳақидаги хулосага келади ва уларни асослантиради. Шунингдек, сўнгги йилларда суд мажлиси залларига ўрнатилаётган ахборот - коммуникация тармоқларини ҳамда судья ва суд ходимлари учун сотиб олинаётган компьютер техникаларининг ҳажмига эътибор олиб, ФПКнинг 252-моддасининг биринчи қисмини “Суднинг ҳал қилув қарори ишни кўриб чиққан суднинг мажлисида раислик қилувчи томонидан ёзма шаклда ёки компьютер орқали баён этилади ва имзоланади” деган таҳрирда баён этилишини таклиф қилади.

Диссертант ушбу бобда суд амалиётида суднинг ҳал қилув қарорлари хулоса қисмида у кучга киргандан сўнг ижро варақаси берилиши тўғрисида қоида белгиланмаганлиги суд қарорларини ижро этилмай қолишига сабаб бўлаётганлигини, ҳал қилув қарорларининг хулоса қисмида ҳал қилув қарори кучга киргандан сўнг ижро варақаси берилиши тўғрисида тегишли ёзувнинг киритилиши мазкур муаммоларни ечими сифатида асослайди. Шу ўринда судьялар ўртасида ўтказилган ижтимоий сўров натижалари ҳам ҳал қилув қарорларининг хулоса қисмида ижро варақаси берилиши тўғрисида ёзув киритилишини ёқлаганлар.

Диссертант ҳуқуқни қўллаш амалиёти ва хорижий давлатлар тажрибаси ҳамда юридик адабиётлар таҳлили асосида суд ҳал қилув қарорини соддалаштириш ҳозирги кунда фуқаролик процессуал қонунчиликни ривожлантиришнинг долзарб йўналишлардан бири сифатида илгари суради. Унинг фикрича, суд мажлис баённомасида қайд этилган тарафларнинг кўрсатмалари суднинг ҳал қилув қарорида қайта такрорланиши, кўрсатмаларнинг такрор баён этилиши ҳал қилув қарорининг мазмунига салбий таъсир кўрсатиши, тарафлар учун ҳам ушбу такрорланишлар ноқулайликлар келтириб чиқариши, натижада судьядан бу ортиқча куч, вақт ва албатта давлат бюджетидан ортиқча харажат талаб этилишини, аксарият хорижий давлатлар (Сингапур) тажрибасидан келиб чиққан ҳолда суднинг ҳал қилув қарорини ихчамлаштириш ва соддалаштиришни таклиф қилади. Ижтимоий сўровда иштирок этган 10 вилоятнинг 100 нафарга яқин судьяларнинг аксарияти (95 %) суднинг ҳал қилув қарорини ихчамлаштириш ва соддалаштириш ҳозирги куннинг долзарб масалаларидан бири эканлиги ҳақида фикрларини илгари сурган.

Диссертациянинг “Суд ҳал қилув қарорлари ва уларнинг ўзига хос белгилари” деб номланган иккинчи бобида суднинг ҳал қилув қарорларига қўйиладиган талаблар, сиртдан ҳал қилув қарори чиқаришнинг ўзига хос хусусиятлари ҳамда суднинг ҳал қилув қарорини суднинг бошқа ҳужжатларидан фарқи ва ўхшаш жиҳатлари тадқиқ қилинган.

Диссертант суднинг ҳал қилув қарорларига қўйиладиган талаблар қаторида унинг қонуний, асосли ва адолатли бўлиши мезонлари хусусидаги миллий қонунчилик ва илмий қарашларни таҳлил қилади. 1997 йил

30 августда қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси ФПКнинг 18-моддаси учинчи қисмида суднинг ҳал қилув қарорлари, ажримлари, қарорлари қонуний, асосли ва адолатли бўлиши лозимлиги ҳақида махсус норма мавжуд бўлганлигини, 2018 йил 1 апрелдаги янги ФПКда ҳам ҳал қилув қарорининг қонунийлиги, асослилиги ва адолатлилиги билан боғлиқ норма ўзи ифодасини топиши миллий (ИПК) ва хорижий давлатлар (Россия, Қозоғистон, Беларусь, Украина) қонунчилик тажрибасидан келиб чиқиб, асослантилган.

Таҳлиллар ва сўровномада билдирилган фикрлар шуни кўрсатадики, фуқаролик процесси иштирокчиларининг деярли 70 фоиздан ортиғи қабул қилинган ҳал қилув қарорларининг фақат хулоса қисмини, 50 фоизи эса суд ҳал қилув қарорининг асослантирувчи қисмини ўқийди. Мазкур шахсларнинг 95 фоизи суднинг ҳал қилув қароридан рози бўлиш-бўлмагликларидан қатъи назар суд муҳокамасида юритилган баённома билан танишмайди ва унга нисбатан ўз фикрларини билдирмайди. Қолаверса, айрим давлатлар, хусусан Жанубий Корея, Германия ва Канада каби мамлакат судлари процессуал қонун ҳужжатларида суд ҳал қилув қарорининг таркибий қисмида баён қилиш қисми мавжуд эмаслиги, суд мажлиси зали замонавий овоз ёзиш ва тасвирга олиш усканалари билан жиҳозланганлиги ва суд мажлиси тўлиқ стенорама қилинишини эътиборга олган ҳолда диссертант ҳал қилув қарорининг баён қисмини таркибий қисмдан чиқариш ҳақида хулосага келади.

Диссертант З.Н.Эсанова, А.В.Цихоцкий, В.М.Жуйков И.И.Черных, В.И.Рештеняк, И.В.Уткина, В.Н.Аргунова каби бир гуруҳ олимларнинг сиртдан иш юритиш муаммолари хусусидаги илмий қарашларини таҳлил қилиб, қолаверса, республика судлари томонидан 2018-2019 йилларда сиртдан чиқарилган ҳал қилув қарорларини ўрганиб, мамлакатимиз ФПКнинг 220 ва 221-моддалари ўртасидаги номувофиқликни бартараф этиш мақсадида ушбу моддаларни бирлаштиришни, шунингдек сиртдан чиқарилган ҳал қилув қарорини бекор қилиш ҳақида 10 кунлик муддатда шикоят бериш ҳақидаги нормани киритишни асослаб беради. Муаллиф ишнинг сиртдан кўрилиши даъвогарга бир қатор ноқулайликларни келтириб чиқариши мумкинлигини, хусусан ФПКнинг 281-моддаси “Судга келган тарафнинг ҳуқуқлари” деб номланса-да, бироқ ушбу норма даъвогарнинг ҳуқуқларини чеклашга олиб келишини, яъни тегишли тарзда хабардор қилинган жавобгар суд мажлисига такроран келмаса, суд даъвогарнинг фикридан қатъи назар, ишни сиртдан иш юритиш тартибида кўриши белгиланганлигини, хорижий давлатлар қонунчилигида бу каби нормалар мавжуд эмаслигини кўрсатиб, ФПКнинг 281-моддаси иккинчи қисмини чиқариш таклифини асослантиради.

Республика фуқаролик ишлари бўйича туманлараро, туман (шаҳар) судлари томонидан 2018 ва 2019 йилларда қабул қилинган хусусий ажримлар

таҳлил этилиб, ушбу ажримларни ўз вақтида бажармаслик ва унинг натижалари бўйича судга хабар бермаслик ҳолатлари очиб берилган. Суд ҳокимиятининг нуфузини ошириш, жамиятда қонун устуворлигини таъминлаш ва ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлаш мақсадида ФПКнинг 275-моддаси учинчи қисмида “Хусусий ажрим (қарор) тегишли давлат органларига ва бошқа органларга, ташкилотларга, мансабдор шахсларга уч кун ичида юборилади, улар кўрилган чоралар тўғрисида бир ойлик муддатда судга хабар қилиши шарт”лигини белгилашни илгари суради.

Диссертациянинг суд ҳал қилув қарорининг очиқлиги ва уни ижрога қаратиш масалаларининг қиёсий-ҳуқуқий таҳлиliga бағишланган учинчи бобида суднинг ҳал қилув қарорларини очиқлигини таъминлаш ва ҳал қилув қарорини ижрога қаратиш масалалари миллий ва хорижий тажрибалар таҳлили асосида тадқиқ этилган.

Суд фаолиятининг очиқлиги, суднинг айрим тоифадаги ишлар бўйича қонуний кучга кирган ҳал қилув қарорларининг жамоатчиликка маълум қилиб борилиши моҳият-эътибори билан демократик ҳуқуқий давлатнинг ажралмас қисми ва муҳим талабларидан бири эканлиги асослангайлади.

Суд ҳал қилув қарорларининг шаффофлиги ва барча учун очиқ бўлиши тўғрисида олимлар А.А.Воробьев, А.В.Поляков ва Ю.В.Тихонравовларнинг фикрлари ҳамда АҚШ, Германия, Буюк Британия ва Франция каби давлатлар қонунчилиги таҳлил этилган. Суд қарорларининг очиқлиги бўйича АҚШ тажрибасига тўхталиб, судлар томонидан қабул қилинган ва рўйхатдан ўтган барча ҳужжатлар билан аҳоли суд клерки офиси орқали танишиб бориш имкониятига эгаллиги, барча судлари қарорлари шу судларга тегишли бўлган нашрларда тўплам сифатида чоп этиб борилиши ва мазкур нашрлар барча юридик кутубхоналарга жойлаштирилиши белгиланганлигини, мамлакатимизнинг фуқаролик ишлари бўйича судлар фаолияти ҳақида аҳолини мунтазам равишда хабардор қилиб боришни ташкил этиш мақсадида

Қорақалпоғистон Республикаси фуқаролик ишлари бўйича Олий суди, фуқаролик ишлари бўйича вилоятлар ва Тошкент шаҳар судларининг интернетда веб-сайтларини ташкил этиш таклифини илагри суради.

ХУЛОСА

Мазкур диссертация бўйича олиб борилган тадқиқотлар натижасида қуйидаги назарий ва илмий-амалий аҳамиятга эга бўлган хулосалар ишлаб чиқилди:

1. Муаллиф томонидан биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарори тушунчасига қуйидагича таъриф таклиф қилинди:

“Фуқаролик ишлари бўйича суднинг ҳал қилув қарорлари одил судловни амалга ошириш ваколатига эга бўлган орган томонидан амалдаги қонун ҳужжатлари ва аниқ фактларга асосланган, қонунда назарда

тутилган процессуал шаклда чиқариладиган, Ўзбекистон Республикасининг бутун ҳудудида ижро этилиши мажбурий бўлган, ҳуқуқни қўллаш ҳужжати ҳисобланади”.

2. Ҳал қилув қарорлари низоли ишни мазмунан ҳал қилишга қаратилган суд муҳокамасини яқунловчи суд ҳужжати ҳисобланиши, у фақатгина биринчи инстанция суди томонидан чиқарилиши, юқори инстанция судининг ҳужжатлари ўз номи билан ҳам ажралиб туриши ва улар томонидан чиқариладиган ҳужжатларни қарор тарзида номлаш мақсадга мувофиқлигидан келиб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси ФПКнинг 6-моддаси учинчи қисмига ўзгартириш киритиш ва уни қуйидаги таҳрирда баён этиш таклиф қилинади:

“Апелляция, кассация инстанцияси суди ишни кўриш натижалари бўйича ажрим чиқаради (янги ҳал қилув қарори чиқариш бундан мустасно)”.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси ФПКнинг 399-моддаси биринчи қисмидаги **“Суд ишни апелляция тартибида кўриб чиққач, ўз ажрими билан”** деган жумладаги **“ўз ажрими билан”** деган сўзлар чиқариш таклиф қилинади.

3. Амалиётда республика иктисодий судлари, шунингдек айрим фуқаролик ишлари бўйича вилоят судларининг биринчи инстанция судлари томонидан ҳал қилув қарорининг сарлавҳаси **“Ўзбекистон Республикаси номидан Ҳал қилув қарори”** кўринишида баён этилаётган бўлса, айрим судлар томонидан ҳал қилув қарорининг сарлавҳаси **“Ҳал қилув қарори Ўзбекистон Республикаси номидан”** кўринишида тузилаётганлиги ҳолатлари учрайди.

Бу каби ҳолатларни олдини олиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси ФПКнинг 249-моддаси иккинчи қисмини қуйидаги янги таҳрирда баён қилиш таклиф этилади:

“Суд ҳал қилув қарорини Ўзбекистон Республикаси номидан қабул қилади ҳамда ҳал қилув қарорининг сарлавҳаси “Ўзбекистон Республикаси номидан ҳал қилув қарори” деб ёзилади”.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2019 йил 24 майдаги **“Суднинг ҳал қилув қарори ҳақида”**ги 12-сонли қарори 1-банди учинчи хатбошиси **“Суднинг ҳал қилув қарорини ёзишда “Ўзбекистон Республикаси номидан ҳал қилув қарори” кўринишида ёзилиши шарт”**, деган сўзлар билан тўлдирилиши таклиф қилинади.

4. Сўнгги йилларда суд мажлис залларига ўрнатилаётган ахборот-коммуникация тармоқларини ҳамда судья ва суд ходимлари учун сотиб олинаётган компьютер техникалари билан таъминланганлигига эътибор қаратадиган бўлсак, нафақат судья ва унинг ёрдамчилари, ҳозирда суд мажлис заллари ҳамда алоҳида хона (маслаҳатхона) компьютер техникалар билан тўлиқ жиҳозланганлигини кўриш мумкин. Будаё таъминланганлик

судья томонидан ҳал қилув қарорини маслаҳатхонада компьютер техникасида печать қилиб тайёрлаш имконини беради. Шундай экан, Ўзбекистон Республикаси ФПКнинг 252-моддасига қуйидаги қўшимча киритилиши таклиф қилинади:

“Суднинг ҳал қилув қарори ишни кўриб чиққан суднинг мажлисида раислик қилувчи томонидан ёзма шаклда ёки компьютер орқали баён этилади ва у томонидан имзоланди.”

Мазкур нормани киритилиши албатта судларнинг замон талабига ҳамоҳанг ривожланишини таъминлаш билан бир қаторда, суд мажлиси иштирокчиларининг асосиз равишда компьютерда тайёрланган суднинг кириш ва хулоса қисмини ўзида акс эттирилган ҳал қилув қарорга эътироз билдиришларини олдини олади деб ўйлаймиз.

5. Фойдасига ҳал қилув қарори чиқарилган шахс ҳам, худди шунингдек зарарига ҳал қилув қарори чиқарилган шахс ҳам ижро варақаси қачон берилиши тўғрисидаги маълумотдан айнан суд хужжати орқали воқиф бўлиши керак. Иккинчидан, бу ҳолат судьянинг ўзи учун ёки унинг ёрдамчиси учун ҳам муҳим бўлиб, улар ижро варақаси берилиши муддати билан боғлиқ масалани ўзларининг назоратида олиб туришларига имконият яратади. Учинчидан, манфаатдор шахс томонидан ҳал қилув қарори кучга киргандан сўнг судга яна бир мартаба ижро варақаси берилишини сўраб мурожаат қилинишининг олди олинади.

Энг асосийси, бу фуқароларнинг судга бўлган ишончини мустаҳкамлайди, суд қарорининг мукамаллигига эришилади, фуқароларимизнинг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини оширади. Бинобарин, ҳал қилув қарорининг хулоса қисмига **“мазкур қарор қонуний кучга киргандан сўнг ижро варақаси берилсин”**, деган ёзувнинг киритилиши билан ушбу муаммолар ўз ечимини топади.

6. Судьяларни ҳал қилув қарорини ўз вақтида ёзишларига эришиш учун ҳал қилув қарорини ёзиш бўйича уч босқични ўзида жамлаган “Ҳал қилув қарорини тузиш бўйича тавсиялар”ни ўзда акс эттирган Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг қарорида ўз ифодасини топиши ҳақида хулосалар илгари сурилди.

7. Ўзбекистон Республикаси ФПКда “Суд хужжатининг қонуний, асосли ва адолатли эканлигини текшириш ҳақида мурожаат қилиш ҳуқуқи” деб номланган алоҳида 373-модда бўлиб, унга кўра, ишда иштирок этувчи шахслар, шунингдек ишда иштирок этишга жалб қилинмаган, аммо ҳуқуқ ва мажбуриятлари ҳақидаги масала суд томонидан ҳал этилган шахслар суд хужжатининг қонуний, асосли ва адолатли эканлигини текшириш ҳақидаги шикоят (ариза) билан қонунда белгиланган тартибда мурожаат қилишга ҳақли эканлиги белгиланган. Янги ФПКда суд хужжатининг адолатли эканлигини текшириш билан боғлиқ атама саккиз мартаба қўлланилган бўлиб, улар ФПКнинг “Суд хужжатларини қайта кўриш” деб номланган IV

бўлимидаги нормаларда ўз ифодасини топган. Бу эса 2018 йил 1 апрелдан бошлаб амал қилиб келаётган Ўзбекистон Республикасининг янги ФПКда суднинг ҳал қилув қарорлари, ажримлари, қарорлари қонуний, асосли ва адолатли бўлиши лозимлигини белгиловчи алоҳида норма киритилиши, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2019 йил 24 майдаги 12-сонли “Суднинг ҳал қилув қарори ҳақида”ги қарорида суд ҳужжатларининг қонуний ва асосли бўлиши билан биргаликда адолатли бўлиши мезонлари нималарда намоён бўлиши юзасидан тушунтириш берилишини тақазо этади.

8. Судьялар томонидан қабул қилинаётган ҳал қилув қарорларини расмийлаштиришни соддалаштириб, суд мажлис баённомасида ўз аксини топган ҳолатларни яна суднинг ҳал қилув қарорини баён қисмида қайтармасдан, кириш қисмини ҳам фақат суд ва судья, шунингдек кўрилаётган низо ва унинг тарафларини бериш етарли бўлади. Бу эса, нафақат судьялар учун енгиллик туғдириши, балки суднинг ҳал қилув қарорини қабул қилиб олган фуқароларга ҳам қулайлик (моддий ва маънавий) яратган бўлар эди.

Юқоридагиларни эътиборга олган ҳолда, Ўзбекистон Республикаси ФПКнинг 253-моддаси биринчи қисмини қуйидаги таҳрирда баён этилиши таклиф қилинади:

“Суднинг ҳал қилув қарори кириш, асослантирувчи ва хулоса қисмларидан иборат бўлади”.

ФПКнинг 253-моддаси учинчи қисми чиқариб ташланиши лозим бўлади.

9. ФПКнинг 220-моддаси учинчи қисмида агар жавобгарнинг келмаганлиги сабаблари тўғрисида маълумотлар мавжуд бўлмаса ёки суд келмаганлик сабабларини узрсиз деб топса ёхуд жавобгар иш юритилишини қасддан чўзаётган бўлса, суд ишни кўришга ҳақли бўлиши белгиланган.

Хорижий давлатлар тажрибаси шуни кўрсатадики, ишларни сиртдан кўришга бўлган асосий талаблардан бири жавобгарга суд чақирув хати топширилганлигини тасдиқловчи ҳужжатнинг мавжуд бўлишига алоҳида эътибор берилади.

Шунингдек, Россия Федерацияси ФПКнинг 233-моддаси учинчи қисмида суд мажлисига келган даъвогар ишни жавобгар иштирокисиз сиртдан иш юритиш тартибида кўришга рози бўлмаса, суд ишнинг муҳокамасини кейинга қолдириши ва келмаган жавобгарга янги суд муҳокамасининг вақти ва жойи ҳақида такроран хабар юбориши белгиланган бўлиб, тегишли тарзда хабардор қилинган жавобгар суд мажлисига такроран келмаса, суд даъвогарнинг фикридан қатъи назар, ишни сиртдан иш юритиш тартибида кўриши назарда тутилмаган.

Шундай экан, фикримизча, Ўзбекистон Республикаси ФПКнинг 281-моддаси иккинчи қисмини, яъни **тегишли тарзда хабардор қилинган**

жавобгар суд мажлисига такроран келмаса, суд даъвогарнинг фикридан қатъи назар, ишни сиртдан иш юритиш тартибида кўради, деган нормани Кодексдан чиқариб ташлаш ҳақида таклиф киритилади.

10. ФПКнинг 220-моддасида ишда иштирок этувчи шахсларнинг суд мажлисига келмаганлиги оқибатлари белгиланган бўлиб, ушбу модданинг учинчи қисмига кўра, агар жавобгарнинг келмаганлиги сабаблари тўғрисида маълумотлар мавжуд бўлмаса ёки суд келмаганлик сабабларини узрсиз деб топса ёхуд жавобгар иш юритилишини қасддан чўзаётган бўлса, суд ишни кўришга ҳақли ҳисобланади. Бироқ ФПКнинг 221-моддасида белгиланган тарафлар суд мажлисига узрсиз сабабларга кўра келмаганлигининг оқибатларида ФПКнинг 220-моддасидан фарқли равишда жавобгар иш юритилишини қасддан чўзаётган бўлса, суд ишни кўришга ҳақли эканлиги ўз ифодасини топмаган.

Бу эса, амалдаги ФПКнинг 281-моддаси асосида тегишли тарзда хабардор қилинган жавобгар суд мажлисига такроран келмаса, суд даъвогарнинг фикридан қатъи назар, ишни сиртдан иш юритиш тартибида кўриши мумкинлиги тўғрисидаги нормани кўллаб-қувватлашга хизмат қилади.

Шундай экан, фикримизча, амалдаги **ФПКнинг 220 ва 221-моддалари ўртасидаги номувофикликларни бартараф этиш мақсадида ушбу моддаларни бирлаштириш** таклиф этилади.

11. ФПКнинг 275-моддаси учинчи қисмида судлар хусусий ажримнинг нусхасини тегишли мансабдор шахслар ёки фуқароларга қанча муддатда юбориши тўғрисида муддат кўрсатилмаган. Шу боис, ушбу ажримлар ижросининг бажарилиши кечиктирилмоқда.

Фикримизча, ФПКнинг 275-моддаси учинчи қисмини қуйидаги тахрирда баён қилиниши мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз:

“Хусусий ажрим (қарор) тегишли давлат органларига ва бошқа органларга, ташкилотларга, мансабдор шахсларга уч кун ичида юборилади, улар кўрилган чоралар тўғрисида бир ойлик муддатда судга хабар қилиши шарт.”

12. Суднинг ҳал қилув қарори ва қарорига ижро ҳужжати мақомини бериш таклиф этилади. Хусусан,

- ФПКнинг 168-моддаси:

иккинчи қисмидаги **“Келишув битимини тасдиқлаш тўғрисида ажрим чиқарилади”** жумласини **“Келишув битимини тасдиқлаш тўғрисида қарор чиқарилади”** жумаласига ўзгартириш;

олтинчи қисмидаги **“келишув битимини тасдиқлаш тўғрисидаги ажримда”** жумласини **“келишув битимини тасдиқлаш тўғрисидаги қарорда”** жумласига ўзгартириш;

еттинчи қисмидаги **“тўғрисидаги ажрим”** жумласини **“тўғрисидаги қарор”** жумласига ўзгартириш таклиф қилинади.

Шунингдек, ФПКнинг 265-моддасига қуйидаги мазмундаги янги иккинчи қисм киритиш таклиф қилинади:

“Суднинг ҳал қилув қарори ижро ҳужжати кучига эгадир”.

Ўзбекистон Республикасининг “Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида”ги қонуни 7-моддасидаги ижро ҳужжатлари рўйхатига қонун нормасига биноан суднинг ҳал қилув қарори ва қарори ижро ҳужжати мақомига эга бўлмай қолганлигидан келиб чиқиб, Қонуннинг ушбу моддаси биринчи қисмидаги рўйхатга қуйидаги мазмундаги янги банд киритиш лозим бўлади:

“1) фуқаролик ишлар бўйича судларнинг никоҳдан ажратиш, алоҳида тартида кўриладиган ишлар бўйича қабул қиладиган ҳал қилув қарорлари ва биринчи инстанция судларининг қарорлари;”.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ (PhD).37/27.02.2020. Yu/ 107.01 ПО
ПРИСУЖДЕНИЮ НАУЧНОЙ СТЕПЕНИ ПРИ ВЫСШЕЙ ШКОЛЕ
СУДЕЙ ПРИ ВЫСШЕМ СУДЕЙСКОМ СОВЕТЕ
РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН**

**ВЫСШАЯ ШКОЛА СУДЕЙ ПРИ ВЫСШЕМ СУДЕЙСКОМ
СОВЕТЕ РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН**

ТАЖИБОВЕВ МАЪРУФЖОН МАМАТОЖИЕВИЧ

**ТЕОРЕТИЧЕСКИЕ И ПРАКТИЧЕСКИЕ ВОПРОСЫ РЕШЕНИЙ СУДА
ПО ГРАЖДАНСКИМ ДЕЛАМ**

**12.00.04 – Гражданское процессуальное право. Хозяйственное процессуальное
право. Третейский процесс и медиация**

АВТОРЕФЕРАТ
диссертации на соискание ученой степени доктора философии
по юридическим наукам (Doctor of Philosophy)

ТАШКЕНТ – 2020

Тема диссертации доктора философии по юридическим наукам (Doctor of Philosophy) зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за №В2020.1.PhD/Yu352

Диссертационная работа выполнена в Высшей школе судей при Высшем судейском совете Республики Узбекистан.

Автореферат диссертации размещен на трех языках (узбекском, русском и английском (резюме) на веб-страницах Научного совета (www.sudyalaroliymaktabi.uz) и Информационно-образовательного портала «Ziyonet» (www.ziyonet.uz).

Научный руководитель: **Мамасиддиков Музаффаржон Мусажонович**
доктор юридических наук, профессор

Официальные оппоненты: **Эгамбердиев Эминжон**
доктор юридических наук, профессор

Авезов Косим Сафарович
доктор философии по юридическим наукам (PhD)

Ведущая организация: **Центр повышения квалификации юристов при Министерстве юстиции Республики Узбекистан**

Защита диссертации состоится « » _____ 2020 года в _____ часов на заседании Научного совета (PhD).37/27.02.2020. Yu/ 107.01 по присуждению ученых степеней при Высшей школы судей при Высшем судейском совете Республики Узбекистан (Адрес: 100097, г. Ташкент, Чиланзарский район, ул. Чупонота, дом 6. Тел.: (99855) 501-01-89).; факс: (99855) 501-01-89)., e-mail: tm_devon@mail.ru)

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Высшей школы судей при Высшем судейском совете Республики Узбекистан (зарегистрировано под № 1). (Адрес: 100097, г. Ташкент, Чиланзарский район, ул. Чупонота, дом 6. Тел.: (99855) 501-01-89).

Автореферат диссертации разослан «19» августа 2020 года.

(реестр № «1» от «19» август 2020 года).

Синдаров К.О.

Председатель Научного совета по присуждению ученых степеней, доктор юридических наук, доцент

Каландарова М.П.

Секретарь Научного совета по присуждению ученых степеней, кандидат юридических наук

Самарходжаев Б.Б.

Председатель Научного семинара при Научном совете по присуждению ученых степеней, доктор юридических наук, профессор

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и необходимость темы диссертации. Обеспечение гарантий прав участников судебного процесса на справедливое правосудие, расширение гражданам и юридическим лицам доступа к судебной защите прав не утратило своей актуальности за годы и этапы проводимых судебно-правовых реформ. Только законное, обоснованное и справедливое решение принятое судом, является реализацией гарантий, регламентированных законом. Европейским судом по правам человека справедливо указано в одном из своих решений, «... тот факт, что решение было необоснованным, может быть достаточным основанием для заключения о том, что это был несправедливый суд» (30 ноября 1987 года, “*H. v. Belgium*”).⁷

Теория и практика мирового процессуального права также показывают, что право на справедливое судебное разбирательство зависит от соблюдения высокого качества судебных решений, вынесенных в соответствии с требованиями, предъявляемыми к судебному решению. Следовательно, только законное, обоснованное и справедливое судебное решение гарантирует защиту от произвола судебной власти, как это предусмотрено в статье 8 Всеобщей декларации прав человека, «каждый человек имеет право на эффективное восстановление в правах компетентными национальными судами в случаях нарушения его основных прав, предоставленных ему конституцией или законом».⁸

Обеспечение полной независимости судебной власти в нашей стране является одной из наших важнейших задач,⁹ которая является одним из приоритетов в стратегии дальнейшего развития Республики Узбекистан,¹⁰ обеспечения подлинной независимости судебной власти, повышения престижа судебной власти, демократизации и совершенствования судебной власти. Это демонстрирует актуальность научного и теоретического изучения вопросов обеспечения законности, обоснованности и справедливости судебных решений, которые считаются актом справедливости.

Специальная Резолюция Европейского Союза об ускорении и упрощении судебной защиты, Рекомендации Комитета Министров

⁷Стандарты справедливого правосудия. Международные и национальные практики. Под ред. Т.Г. Морщаковой М. 2012. -С.40.http://www.liberal.ru/upload/files/Morshakova_min.pdf

⁸Инсон ҳуқуқлари: Инсон ҳуқуқлари Умумжаҳон Декларацияси. Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар тўғрисида халқаро пакт. Фуқаролик ҳуқуқлари ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисида халқаро пакт ва факультатив протокол. -Тошкент.: Адолат. 1992. -12 б.

⁹ Послание Президента Республики Узбекистан Шавката Мирзиёева в Олий Мажлис Республики Узбекистан // «Народное слово» 24.01.2020 г.

¹⁰ Указ Президента Республики Узбекистан № У-4947 от 7 февраля 2017 года «О стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан» // Собрание законодательства Республики Узбекистан, 13.02.2017 года № 6, статья 70.

Европейского Союза о независимости, эффективности и роли судей (94) 12, принятые в новой редакции Гражданский процессуальный кодекс Республики Узбекистан (2018), Экономический процессуальный кодекс (2018), Закон Республики Узбекистан «О судах» (2001), Указы Президента Республики Узбекистан «О стратегии дальнейшего развития Республики Узбекистан» от 7 февраля 2017 года № УП-4947 и «О мерах по кардинальному улучшению структуры и эффективности судебной системы Республики Узбекистан» от 21 февраля 2017 года № УП-4966, а также настоящее диссертационное исследование в некоторой степени способствует выполнению задач, изложенных в нормативно-правовых актах, регулирующих судопроизводство.

